
“Марғилон Умар Текс” МЧЖ ЮКСАЛИШ САРИ БИР ҚАДАМ

Марғилон шаҳрида 2017 йилдан буён самарали фаолият юритиб келаётган “Марғилон Умар Текс” масъулияти чекланган жамияти янги бинода иш бошлади.

Корхона биносининг тантанали очилиш маросимида вилоят Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи вилоят ҳокими ўринбосари Иқболжон Эргашев, шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов ҳамда сектор раҳбарлари иштирок этди.

Замонавий дизайн асосида қуриб битказилган бино 5 қаватдан иборат бўлиб, 4 та қаватда ишлаб чиқариш цехлари жойлашган.

Корхонада ҳозирги кунда калава ипни бўяб пайпоқ ишлаб чиқариш йўналишида янги лойиҳага қўл урилган. Лойиҳа асосида 270 та дастгоҳларнинг ишга туширилиши эвазига кунига 25-30 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда.

Лойиҳа қиймати 3 млн долларни ташкил этади. Шундан 1,5 миллион доллар банк кредити, 1,5 миллион доллар корхона маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотларимизнинг 95 фоизи хорижга экспорт қилинади, - дейди МЧЖ раҳбари Абдусамад Маъруфов. - Ҳозирги кунда корхонада 100 дан зиёд ишчи ўрни яратилган. Лойиҳанинг тўлиқ ишга туширилиши натижасида корхонада йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 12 млн донага етказишни мақсад қилганмиз.

2021-08-30 18:33:55